

100 китоб тўплами

ҚОРАМОЛЛАРНИ БЎРДОҚИЛАШ

76-китоб



Ошс

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

“Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий экиш муддатида етиштириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажақда тажрибали деҳқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – деҳқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдали бўлади.

Ҳосилингиз мўл-кўл, даромадингиз баракали бўлсин!

Рустам МАМАТҚУЛОВ,
“Агробанк” АТБ бошқарув раиси.

636.2
K 59

УЎК 636.2

КБК 45.4

Қ 59

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: “Агробанк” АТБ

Тузувчи:

К.И. Хидиров – Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти илмий ходими.

Тақризчилар:

О. Эшдавлатов – Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти асаларичилик бўлими илмий ходими.

У.Н. Асраев – Қуёнчилик селекцияси ва генетика маркази наслчилик ишини юритиш бўлими бошлиғи.

С.И. Мавланов – Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, инновацион фаолият, фан ва таълим соҳасини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ветеринария врачлари, в.ф.д.

Лойиҳа иштирокчилари: У.Ф. Файзуллаев, М.С. Ҳайитбоев.

Мухаррир: Т. Долиев – “Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиғи” журнали бош муҳаррири.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпланда қишлоқ ҳўжалиғи соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ тўхфасидир

ISBN 978-9943-7173-2-9

SDVU

resurs markazi

© “Агробанк” АТБ – 2021

© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021

© “Colorpack” МЧЖ – 2021

МУНДАРИЖА

Кириш	7
Дунёда мол гўшти ишлаб чиқариш тенденцияси	8
Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар	10
Республикамизда урчитиладиган гўшт йўналишидаги қорамол зотлари	13
Бузоқ танлаш	22
Буқачаларни туғилганидан бошлаб 6 ойлик давригача боқиш	24
Буқаларни 6 ойликдан 10 ойлик давригача боқиш	26
Буқаларни 10 ойликдан 16 ойлик давригача боқиш	30
Буқаларни бўрдоқилаш	32
Озуқа қўшимчалари	33
Гўшт етиштириш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари	38
Қорамолларни асраш усуллари	39
Қорамолларни сақлаш қоидалари	41
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	46

■ ■ I КИРИШ


Қорамолчилик – чорвачиликнинг асосий соҳаси ҳисобланади. Етиштирилаётган сутнинг 99% дан кўпроғи ва гўштнинг 50 фоизи қорамоллардан олинади. Айрим ҳудудлар ва ҳўжаликлар табиий-иқтисодий хусусиятларига қараб, чорвачилик, сут, сут-гўшт ва гўшт йўналиши бўйича ихтисослашган. Юқори сифатли чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш йиллар давомида ўз аҳамиятини йўқотмаслиги, мамлакатимиз аҳолисининг ўсиши ва инсониятнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш билан тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан ушбу соҳани ривожлантиришга катта иқтисодий аҳамият берилади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида чорвачиликнинг барқарор жадал ўсиши, интенсив технологияларни ўзлаштириш билан ажралиб туради. Бу эса чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга юзага келади.

Мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий йўналиши саноатни жадал ривожланиш йўлига ўтказиш имконини берадиган моддий-техник базани такомиллаштиришдан иборат бўлиб, унинг моҳияти энг кам меҳнат ва моддий харажатларда маҳсулот ишлаб чиқаришни максимал даражада ташкил этади. Бу йўналиш илмий-техникавий тараққиёт ютуқларига ва юқори сифатли чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга тизимли ёндашувдан фойдаланишга, сўнги йилларда чорвачилик соҳасида амалга оширилган илмий ютуқлар ва кашфиётлар асосида мол гўшти ишлаб чиқаришнинг истиқболли, юқори самарали технологияларидан тобора кўпроқ фойдаланишга, ҳатто энг экстремал шароитларда ҳам иқтисодий жиҳатдан самарали гўшт чорвачилигини ташкил этиш ва юритишга имкон беради.

I МОЛ ҒЎШТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Барча ғўшт турлари орасида қорамол ғўшти товуқ ва чўчқа ғўшtidан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Сўнги йилларда ғўшт бозорида мол ғўшти камроқ бўлиши кузатилмоқда (2012 дан бери у бозорнинг 5 фоизини йўқотди) ва унинг ўрнига арзонроқ парранда ғўшти келди.



Мол ғўшти ишлаб чиқариш бўйича мамлакатлар рейтинги (тонна)


2018 йилда дунёда жами 62 миллион тонна ғўшт ишлаб чиқарилди. Ушбу жадвалга киритилмаган бошқа мамлакатларда фақат 9,8 миллион тонна ишлаб чиқарилган.

Қорамол ғўшти ишлаб чиқаришда етакчилик АҚШда — 12,3 миллион тонна, иккинчи ўринда Бразилия (9,9 миллион

тонна). Учинчи ўринни Хитой эгаллайди (Европа Иттифоқи учинчи ўринни норасмий эгаллаган).


Хитой, АҚШ ва Россияда мол гўшти етишмаяпти, шунинг учун улар бир қисмини импорт қилишади:

Энг йирик мол гўшти импортчилари (тонна)



Лекин энг кўп мол гўштини экспорт қилувчи давлатлар Бразилия (2 миллион тонна), Австралия (1,6 миллион тонна) ва Ҳиндистон (1,5 миллион тонна).

2020 йилда қорамол гўшти истеъмол қилувчи мамлакатлар, %




Республикамизда 2020 йил якуни бўйича 13,189 миллион бош қорамол мавжуд. Гўшт етиштириш ҳажми барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларни ҳисобга олган ҳолда тирик вазнда 2.526.179 тоннани ташкил қилган. Бу кўрсаткич аҳоли жон бошига 44,6 кг га тўғри келади.

ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ГЎШТ МАҲСУЛДОРЛИГИ ВА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Қорамол гўшти юқори озиқавий ва таъмга эга бўлиб, аҳоли орасида юқори талабга эга.

Мол гўшти оқсил ва ёғнинг мутаносиблиги билан тавсифланади. У чўчка ва қўй гўштига қараганда камроқ холестеринга эга бўлиб, барча муҳим аминокислоталарни, шунингдек, ёғли кислоталарни, минералларни ўз ичига олади, бу эса гўштни юқори озиқавий қийматини келтириб чиқаради. Ўртача ёшдаги буқачалар гўштининг ҳазм бўлиши 95% ни ташкил қилади.



Мармар гўшт

Қорамол гўштининг морфологик ва кимёвий таркиби ҳайвонларнинг жинси, ёши ва семизлик даражасига боғлиқ. Қорамол гўшти таркибида мушак тўқималар 42-68%, ёғ тўқималари 10-30%, суяклар 13-20%, бириктирувчи тўқима 10-14% дан иборат. Гўшт таркибида 59-66% сув, 17-20% оқсил, 11-13% ёғ мавжуд. Кўпгина маълумотларга кўра, оқсил ва ёғнинг гўштга нисбати яхши эканлигини кўрсатади: 1-1: 0,7 (оқсил 18-21% ва ёғ 12-18%). Ёш қорамол гўштининг таъми нозиклик, юмшоқлик, мазаси, ҳид, ранг ва бошқа шу каби органолептик кўрсаткичлари билан ажралиб туради.

Гўштнинг мазаси, намлиги ва хушбўйлиги у ердаги бириктирувчи тўқималар, шунингдек, мушак толалари ва уларнинг орасидаги ёғ таркибига боғлиқ. Гўштнинг ранги асосан гемоглобин миқдори ва мушак тўқимасида парчаланадиган маҳсулотларга боғлиқ. Ёш ҳайвон гўшти пушти, катталарда тўқ, бузоқларда оч қизил рангда бўлади.

Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва гўшт сифати уларнинг жинси ва турига боғлиқ. Энг юқори маҳсулдорлик махсус гўшт зотларига тегишли. Бу зотларнинг ҳайвонлари жуда эрта пишиб, катта тирик масса, сўйим чиқими 65% ва ундан юқори) бўлади. Шундай қилиб, 15,5 ой ичида герефорд зотли буқалар 492 кг, ангуслар 450 кг, шаролле 600 кг тирик вазнга эга бўлиб, уларнинг ўртача кунлик тирик вазн ўстириши 1100-1500 г га тенг.

Кўплаб экспериментал маълумотлар ва амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, аксарият сут ва сут-гўшт зотлари интенсив ўстиришда гўшт маҳсулдорлигининг юқори кўрсаткичларига эга.

Гўшт маҳсулдорлигига ва сифатига ҳайвонларнинг ёши таъсир қилади. Ёш бузоқларда нисбатан суяк ва бириктирувчи тўқималар кўпроқ, мушаклар камроқ бўлади. Ёши ортиши билан бу нисбат мушак ва ёғ тўқималарининг

ривожланиши туфайли ўзгаради. 12-15 ойгача мушак ва суяк тўқималарида жадал ўсиш кузатилади ва 15 ойдан бошлаб ёғ тўқималарининг ўсиши кучаяди.

Мамлакатимизда молгўшти ишлаб чиқариш технологияси 15-18 ойгача бўлган буқачаларни озиқлантиришни назарда тутди. Бу даврда ёш ҳайвонларнинг жадал ўсиши ва ўсиш учун озуқанинг сарфи камайиши кузатилади.

Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги озиқлантириш даражаси ва турига боғлиқ. Озиқлантириш даражасининг камлиги ўсиш тезлигига салбий таъсир қилади, боқиш муддати узаяди ва озуқа харажати ошади. Ёш ҳайвонларнинг жадал ўсишини таъминлаш учун 1 кг ўсишга 7-9 кг озуқа бирлик талаб қилинади ва 1 кг озуқа бирлигида 100-120 г протеин бўлиши керак. Ўсиш ва боқиш бўйича буқа рацион таркибида энг катта улуш ўсимлик озуқа (50-75%) бўлиши, концентратларнинг миқдори 30-50% дан ошмаслиги керак.




Абердин-ангус зоти

Гўшт сифати ҳайвонлар жинсига боғлиқ, 15-18% ёки ундан юқори кастратларда ахталанган буқалар, 10-12% ғунажинларда 15 ойлик давргача, ахталанмаган буқалар 20 ойлик ёшигача интенсив озиклантиришда янада жадал ўсиб бориши кузатилади.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА УРЧИТИЛАДИГАН ГЎШТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ҚОРАМОЛ ЗОТЛАРИ

Герефорд зоти. Тананинг характерли қизғиш ранги оқ доғлари билан наслдан наслга ишончли тарзда ўтказилади. Герефордлар танаси юмалоқ чўзиқ шаклга эга, кенг кўкрак қафаси, кучли оёқлари, кенг орқа қисми, кичик бош, шохлари пастга қараган.

Гўшти "мармарсимон", юмшоқ ва майин, ажойиб таъмга эга. Бузоқлар 36 кг вазн билан туғилади, озиклантириш усулига қараб, кунлик ўсиш 1,5 кг га етади. Сигирлар оғирлиги 600 кг дан, буқалар эса 1 т дан ошади.



Герефорд зоти

Зотнинг афзалликлари куйидаги хусусиятларни ўз ичига олади:

1. Барча иқлим шароитига тез мослашувчан.
2. Иммунитет тизимининг мустаҳкамлиги.
3. Туғиш жараёнида инсон аралашувини талаб қилмайди, бузоқларнинг юқори ҳаётчанлиги.


Геррефордларнинг камчиликлари ҳам бор. Бу сут маҳсулдорлигининг пастлиги. Бузоқлар туғилган пайдан бошлаб қўшимча озуқаларга муҳтож бўлади.

Сўйим чиқими 65-70% ташкил қилади.

Лимузин зоти. Бу зот XIX асрнинг бошларида французлар (Лимузин вилояти) томонидан яратилган. Лимузин зоти қизил, олтин қизил ёки қизил-жигарранг ранга эга, пастки қорин қисми эса очроқ. Нозик суяк ва ривожланган мушаклар билан ажралиб туради. Кенг пешона ва енгил шоҳлари билан қисқа бошга эга. Лимузин сигирлари чуқур кўкрак, кенг тос билан фарқланади. Бузоқлар 35-40 кг вазнда туғилади, олти ойлик ёшида 300 кг га етади, катта сигирлар 600 кг га, буқалар эса бир тоннадан ортиқ.

Сўйим чиқими 65% га етади. Бир нимтада 85 кг гўшт мавжуд. У нозиклиги, паст холестерин миқдори, ажойиб таъми, нозик толаси билан жозибали. Гўшти 6 кг лаҳм, 1 кг суяк ва 10% дан кўп бўлмаган ёғни ўз ичига олади. Гўштининг мармарсимонлиги ҳатто бир ёшда ҳам ифодаланади.

Ангус зоти. Гўшт йўналишидаги қорамоллардан бири, ўрта кенгликларга яхши мослашган зотдир. Абердин-Ангус сигирлари ихчам мушакли тана тузилишига эга. Уларнинг гузилиши юмалоқ, сони яхши, чуқур кўкрак қафаси ривожланган, шоҳсиз, енгил бошли. Оёқлари ва бўйни қисқа кўринишда, кўпинча ранги қора, қизил туси ҳам учрайди.



Ангус зоти

Бўрдоқига боқилган буқаларнинг кунлик ўсиш вазни 1000-1500 г га тенг. Энг катта буқалар 1,5 тоннага етади, ўртача буқаларнинг оғирлиги 800 кг, сигирларники 550 кг гача бўлади, қадар, сут маҳсулдорлиги 3,0 тоннадан ошмайди.

Абердин-Ангус сигирларининг афзалликлари:

1. Эрта етилувчанлик.
2. Яхши иммунитет.
3. Ноқулай иқлим зоналарида юқори мослашиш қобилияти.
4. Гўшт маҳсулотларининг мазали таъми.

Сўйим чиқими 60%. Бу зотнинг гўштига талаб жуда юқори, чунки у мармарсимон бўлади.

Қалмиқ зоти. Қалмиқ қорамоллар шароитга талабчан эмас, кам ҳосилдор яйловларга ва кескин ҳарорат ўзгаришига мослашган. Озуқа излаб узоқ масофаларни босиб ўтади ва ноқулай шароитда ҳам вазн ўстиришга эришади. Баркамол, ихчам, жисмоний ривожланган тана, мустаҳкам суяк,

юқори ҳаракат, танаси кенг, орқа томони ва кучли кўкрак тенг равишда ривожланган. Ранги қизил оқ доғлари билан, қалин жуни совуқдан, шамолдан ва иссиқдан ишончли ҳимоя қилади. Ёғ мушаклар ва тери остида тенг равишда тўпланади. Бузоқлар 25 кг вазнда туғилади, кунига 0,9 кг га қадар вазн йиғади. Катта буқалари 1 т га, сигирлар 550 кг тирик вазнга эга. Қалмиқ сигирларининг афзалликлари:

1. Талабчан эмаслиги ва йил давомида яйловда сақлашни мумкин.

2. Беқарор ҳарорат иқлимига осонгина мослашади.

3. Мустақил туғиш жараёни.

4. Сутининг ёғи юқорилиги (4,5% гача).


5. Мазали "мармар" гўшт маҳсулот.

Камчиликлари:

1. Гўштининг қизил ранги. Томирлари сариқ.

2. Туққандан кейин сигирларнинг агрессив ҳаракати.

Улар ҳеч кимни бузоқларига яқинлаштирмайди.



Қалмиқ зоти

Қозоқи оқбош зоти. Герефордлар, қалмиқ ва маҳаллий қозоқ зотларни чатиштириш натижасида маҳаллий шароитларга мослаштирилган мукаммал гўшт йўналишидаги зотини яратиш имконини берди. Қозоғистоннинг оқ бошли сигирлари кучли гўшт маҳсулдорлигига эга. Чуқур чиқиб кетадиган кўкрак. Катта тана, ҳатто кенг орқа қисм, боши кичик, шохлар қисқа, оёқлари ўртача. Ранги герефорд зотига тулиқ мос келади.

Катта сигирлар буқадан бир оз кичикроқ: 600 кг га қадар, буқалар эса 1 т га тенг, бир ярим ёшида бузоқлар 500 кг вазнга эга ва сўйишга тайёр бўлади.

Қозоқ сигирларининг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1. Шароитга талабчан эмаслик.
2. Чидамлилик.
3. Ноқулай иқлим ва кам озукали яйловларга мослашиш.
4. "Мармарсимон" гўшти.



Санта Гертруда зоти. Ёввойи Зебу буқаларни таниқли Шортгорн гўшт зотли сигирларини чатиштириш натижасида юқори ҳароратга чидамли, кам рационли ва парвариш-лашда махсус талаблар қўймайдиган қорамол зоти яратилган. Санта Гертруда катта қуруқ мушак ва жисмоний хусусиятларга эга. Танаси кенг, узун, тос қисми бироз тушиб кетган. Боши ўртача. Қулоқлар осилган. Қўкраги чуқур. Оёқлари кучли. Ранги қизил, туёқлари қора.

Буқалар 1-1,5 тонна вазнга эга, сигирлар бироз камроқ – 600-800 кг га тенг, интенсив даражада боқиш 8 ойлик ёшида буқалар ўртача 230-250 кг ни ташкил қилади. Сут миқдори ўртача, кўпинча сут фақат бузоқлар учун етарли бўлади.

Санта Гертруданинг ижобий хусусиятлари:

1. Чидамлилик.
2. Яйловда узоқ муддатли юришни амалга ошириш қobiliяти.
3. Чўл яйловлар шароитида ҳам гўшт хусусиятларини сақлайди.
4. Тирик вазни тез тўплаши.



Сантагертруда зоти


5. Юқори ҳароратга мослашиш. Санта-Гертруданинг гўшт чиқими 65-70% ни ташкил қилади. Гўшти юқори таъмга эга.

Шаролле зоти. Шаролле гўшт йўналишидаги қорамол зотига мансуб бўлиб, характерли рангга эга: оқдан сарғишгача турли рангларга тўйинган. Тана тузилиши гўшт йўналиши учун одатий ҳисобланади. Бўртиб чиққан катта мушаклар, кўкрак, орқа, тос кенг. Сон қисми кучли. Орқа ва олд қисмлар нисбати бир хил. Кучли, қисқа бўйинга туташган кичик бош.

Туғилган вақтда бузоқнинг оғирлиги кўпинча 35-40 кг дан ошади. Боқиш усулига қараб, тирик вазн ўсиши 1-2 кг ни ташкил қилади, натижада, катта буқалар камида 1 т массаси билан ажралиб туради.

Афзалликлари:

1. Юқори гўшт ва сут маҳсулдорлиги.
2. Тез етилувчанлик.
3. Фермада буқалар ва сигирларни узоқ муддат ишла-тиш имконияти.
4. Кам талабчан.



Шаролле зоти

Шаролле сигирларининг камчиликлари:

1. Ташқи тузилишининг генетик патологияси.
2. Сигирлар инсон ёрдамисиз туғолмайди. Шаролле зотининг сўйим чиқими 70% га етади. Гўштнинг чиқиши 80% га тенг.

Швиц зоти. У гўшт ва сут (сут 4-5 минг кг, ёғ 3,6-4%) маҳсулдорлиги йўналишидаги зотдир. Сигирларнинг тирик вазни ўртача 550 кг, буқалар 900 кг. Катта буқалари 900 кг ва ундан кўп вазнгача ўсади ва сигирнинг ўртача оғирлиги 600 кг. Бузоқ 32-35 кг оғирликда туғилади. Лактация даврида сигирлар ўртача 4900 кг сут бериши мумкин, аммо рекорд кўрсаткичларига (11000 кг) эгалари ҳам бор. Ёғ миқдори озиқлантиришга боғлиқ, аммо ўртача кўрсаткич 3,7 дан 4,4% гача ўзгаради.

Бузоқнинг кунлик вазн ўстириши озиқлантириш рационига боғлиқ. Бу норма 900-1100 г кўрсаткичи бўлиб, бир ёшли буқа тахминан 245 кг вазнга эга бўлади.



Швиц зоти

Симментал зоти. Қорамолларнинг симментал зоти энг қадимийлардан биридир. У универсалдир, ҳам ажойиб гўшт, ҳам сут маҳсулдорлигига эга.

Симментал зотли буқалар жуда тез ўсади. Уларнинг гўшти ёқимли таъмга эга, шунинг учун фермерлар уларни кўпинча боқиш учун оладилар.

Буқачалар 40 кг вазн билан туғилади, туғруқ одатда асоратларсиз ўтади. Ёш ҳайвонларнинг жадал ўсиши ва вазн орттириши кузатилади. Бузоқлар кунига 1200 г гача ўсиши мумкин, 8 ойда буқалар 320 кг вазнга етади, урғочилари 270 кг.

12 ойга келиб, буқачалар 500 кг гача тош босиши мумкин, сўйиш учун 18 ойлик ёшигача боқилади ва уларнинг вазни 680-700 кг га етади.



Симментал зоти

■ I БУЗОҚ ТАНЛАШ

Агар сиз ўзингизнинг фермангизда фаолиятингизни янгидан бошласангиз ёки бирон-бир сабабга кўра ёш бузоқни сотиб олишни истасангиз, нафақат етиштириш йўналишини аниқлаш, балки тавсия этилган бузоқни тўғри танлаш керак. Сиз ўн кунлик бузоқни, ҳатто бир ойлигини сотиб олишингиз мумкин, лекин уларнинг нархи сезиларли даражада фарқ қилади.

Чорвадорлар бузоқларни одатда туғилганидан кейин 23 кунлигида боқиш учун сотиб олишади: бу ёшда улар сўтдан ташқари бошқа турдаги озуқа маҳсулотларини истеъмол қилишади. Шунга асосланиб, кўплаб мутахассислар 1-2 ойлик даврда ўз эҳтиёжлари учун бузоқларни сотиб олишни



Швиц зоти

маслаҳат беришади. Ёш ҳайвонларни кўпайтиришга қарор қилган киши учун бу ёш бузоқларга қўшимча равишда сут беришга ҳожат йўқ ва дарҳол яйловга чиқариш мумкин.

Сизнинг пулингиз беҳуда кетмаслиги учун, соғлом бузоқларнинг белгиларини билишингиз керак.

Бузоқлар қуйидаги белгиларга эга:

1. Оёқлари қисқа.
2. Боши оғир.
3. Думи калта (тиззасидан баланд).
4. Танаси бақувват, жисмоний ривожланган.

Гўштга боқиш учун урғочи бузоқ ёки буқаларни сотиб олишингиз мумкин, аммо мутахассислар буқаларни афзал кўришади, чунки боқиш учун сарфланган харажатлар бир хил бўлгани ҳолда буқа оғирлигининг салмоғи катта бўлади. Бундан ташқари, унинг гўшти урғочиларининг гўшти каби ёғли бўлмайди.

Бузоқ сотиб олишга қарор қабул қилсангиз, қуйидаги учта муҳим омилга эътибор қаратишингиз лозим:

1. Нам бурун – ҳайвоннинг ҳар томонлама соғломлиги белгиси.

2. Танасининг жун қопламаси яхши бузоқнинг жун текис, силлиқ, ялтироқ бўлиши керак.

3. Озуқани ҳазм қилиши – соғлом бузоқнинг ошқозонида бузилиш белгилари бўлмаслиги ҳаракатчан, кучи ва яхши иштаҳаси билан бошқалардан фарқ қилиши керак.

Кўпчилик учун жуда муҳим бўлган савол, бу – бузоқларни йилнинг қайси фаслида сотиб олиш керак? Мутахассислар баҳорда, имконият бўлмаган ҳолатларда ёзда, яйловга бузоқни ҳайдаш имконияти мавжуд бўлганда, буни тавсия қиладилар. Мисол учун, гўштга боқиш жараёнида озуқа сезиларли даражада тежалади. Агар сизда етарлича пичан

булса, ҳар қандай вақтда бузоқларни сотиб олишингиз мумкин, лекин бузоқнинг ёши ва вазни ортиб бораётганини ҳисобга олиб, янада кўпроқ пичан жамғариш талаб этилади. Ўртача бир ёшли буқача уч тонна турли хил пичанларни истеъмол қилади.

■ ■ БУҚАЧАЛАРНИ ТУҒИЛГАНИДАН БОШЛАБ 6 ОЙЛИК ДАВРИГАЧА БОҚИШ

Махсус ташкил қилинган индивидуал хоналарда туғдириб олинган бузоқлар биринчи 2-3 кун давомида шу ерда оналари билан бирга сақланади.

Бу даврда сигир боғлаб сақланади ва сифатли беда пичани билан озиқлантирилади. Бузоқлар 2-3 кун эркин ҳолда хоҳлаган вақтида ва талаб меъёрида оғиз сутини тўғридан-тўғри она елинидан эмади.

Янги туғилган бузоқларни бу усулда сақлаш уларнинг жадал ва соғлом ўсишини таъминлайди ва ёш организмда кучли иммунитет пайдо бўлишига имкон яратади. Туғруқхона ва профилакторийларда санитария-ветеринария талабларига риоя қилинади. 2-3 кундан сўнг хоналарда тўлиқ дезинфекция ўтказилади ва навбатдаги туғдиришга тайёрланади.

Маълумки, оғиз сути кучли бактерицидликка эга бўлиб, бузоқнинг ичак тизимидан қонга сўрилиб, организмнинг иммунобиологик хусусиятларини орттиради. Натижада, ёш организмда кучли ҳимояланиш иммунитети шаклланади.

Янги туғилган бузоқларнинг ҳимояланиш хусусиятларини кўтаришда витаминли дори-дармонлардан (аквител, тривитамин) фойдаланилади.

Бузоқларни озиқлантириш меъёри уларнинг насли, жинси ва ўсиш режасига қараб белгиланади. Бузоқларга 10 кунлигига қадар ўз оналарининг янги соғилган (38-39 °С) оғиз сути кунига уч маротаба (эрталаб, тушликда ва кечқурун) берилади. Сўнгра 2-3 кун давомида умумий соғиб олинган сутга ўтказилади.

Олимлар томонидан янги туғилган бузоқлар учун 6 ойлик ёшига қадар сут ичириш схемалари ишлаб чиқилган бўлиб, улар бузоқлар вазнини ҳар куни ўртача 750-800 граммга оширишга мўлжалланган. Бузоқлар беда пичани ва сўлитилган беда ўтига 10 кунлигидан бошлаб ўргатилади. Унинг миқдори олдин 100-150 граммдан бошлаб, 2 ойлик якунида 800-1000 граммгача етказилади.



4 ойлик Лимузин бузоқлари

Омухта емларга ўргатиш 10-15 кунлигидан бошланади, 100-150 граммдан бошлаб, 1 ойлигига қадар 400-500 граммгача ва 2 ойлиги якунига борганда 1000 граммдан берилади. Жами 60 кунлик парваришlash даврида 350 кг сут (шундан 40 кг оғиз сути), 19 кг омухта ем, 35 кг беда пичани берилади.

Беда пичанининг қайнатилган суви (38-39 °C) тушлик озиклантириш даврида ичирилади. Ош тузи ҳамда бўр доимо охурчага солиб қўйилади.

Сут ва сут-гўшт йўналишидаги қорамоллар подасида бузоқлари онасидан ажратиблиб, қўлда сут бериш усулида боқилади. Гўшtdор қорамолчиликда эса бузоқлар 6-8 ойлигига қадар онаси билан бирга боқилади ва она сутини эмиб катта бўлади, сигирлар мутлақо соғилмайди.

Бузоқларга 30-40 кунлигида уларнинг туғилгандаги тирик вазнининг 17-20 фоизи ҳисобидаги миқдорда сут берилади. Жумладан, бузоқларнинг туғилгандаги вазни 20 кг бўлса, 3,5-4 кг сут берилади, 30 кг бўлганда – 5-6 кг ва ҳоказо. Шундан сўнг сут бериш миқдори 4 ойлигига қадар камайтириб борилади. Агарда ҳўжаликда ёғи олинган сутдан фойдаланиш имконияти бўлса, бузоқларнинг 40 кунлигидан бошлаб берилаётган соф сутнинг ярми ёғи олинган сут билан алмаштирилади.

■ | БУҚАЛАРНИ 6 ОЙЛИКДАН 10 ОЙЛИК ДАВРИГАЧА БОҚИШ

Қорамолларни гўштга боқиш мақсадида буқачаларни 6 ойлик ёшида сотиб олиш тавсия этилади. Буқачаларни сотиб олиш эрта баҳорда, ўтлоқларда биринчи ўсимликлар пайдо бўлганда амалга оширилади.

Юқори вазн олиш учун буқачаларни тўғри озиқлантириш керак. Аксарият фермерлар бир хил вақт оралиғида (режим) озуқани тақсимлаб, уч маҳал берадилар. Тўғруқдан кейинги даврдан бошлаб 60 кунгача бузоқлар сут билан озиқланади, кейин бугдой ёрмаси ва сифатли пичан қўшилади. Бундай озиқлантириш тез ўсишга ёрдам беради ва овқат ҳазм қилиш тизими билан боғлиқ муаммоларни бартараф этади.

60 дан 90 кунгача, мушак массасининг ортишига ёрдам берадиган юқори протеин таркибига эга озуқа маҳсулотлари рацион асосини ташкил этади устунлик берилади. Бунга сабзавот экинлари, майдаланган дон киради. 120 кундан бошлаб, қўшимча 10-15 кг миқдорида сўлитилган яшил ўтлар берилади.

Хонадон шароитида қорамолларни гўшт учун боқишда бугдой бериш усули кунига 0,6 кг гача бўлган вазн ортишини таъминлайди.



12 ойлик Шаролле бузоқлари

Буқачаларни гўштга боқиш даври туғилганидан 18-20 ойлик ёшигача, лекин интенсив озиқлантиришни асос қилиб олсангиз, бундай муддат сезиларли даражада камаяди (15-18 ой).

Бузоқлар ошқозонининг барча қисмлари тўғри шаклланиши, нормал вазнга эга бўлиши ва тез ўсиши учун муайян қоидаларга риоя қилиш керак. Кунига тана вазнининг қўшилиши нафақат озиқлантиришга, балки буқалар жинсига ҳам боғлиқ.

Сут ва сут-гўшт йўналишидаги буқачалардан кунига 900-1000 г тирик вазн ўстиришга эришилса, гўшт йўналишидаги Герефордлар ва Абердин-Ангус зотли буқачалар кунига 1500 г атрофида, Симментал зотли 1300 г атрофида, қозоқ оқ бошли зотли буқачалар 1400 г атрофида кунлик вазн ошириш имконига эга.



Буқачаларни озиқлантириш

Гўшт учун буқаларни тула қийматли рацион асосида озиқлантириш мушак массасини кўпайтиришга ёрдам беради. 6 ойдан кейин ёш ҳайвонлар озиқлантириш турларидан бирига ўтказилади.

Озиқлантириш турларини танлаш озуқа базасининг мавжудлигига боғлиқ бўлиб, у ёки бошқа техникани қўллаш имконини беради. Сенаж, силос-сенаж ва комбинацияланган озиқлантириш турларидан фойдаланилади.

**Сенаж турида озиқлантириш рациони
(кунлик ўсиш 750-850 г):**

- пичан - 1,3 кг;
- сенаж - 8 кг;
- концентрат озуқалар - 2 кг;
- туз - 30 г;
- фосфатлар - 40 г.

Агар бузоқлар гўшт йўналишидаги зотли (герефорд, ангус, қозоқи оқбош) бўлса, унда озуқа ҳажми кўпаяди. Масалан, кунлик тирик вазн қўшиш 1500 г белгиланса, уларга сенаж 15 кг, 3 кг дан ортиқ бўлмаган концентратлар, 2 кг пичан, 50 г гача бўлган туз, 60 г гача фосфатларни рационга киритиш керак.

**Силос-сенаж усули билан озиқлантириш рациони
(кунлик ўсиш 800-900 г):**

- 2 кг пичан;
- 10 кг силос;
- 4 кг сенаж;
- 2* туз ва фосфат миқдори бир хил даражада қолади.

Буқа танасининг барча ресурсларидан фойдаланиши ва вазни кунига 1,5 кг га ошиши учун уни кўпроқ озуқа билан боқиш керак: концентрат 3,5 кг, 14 кг гача силос, пичан 3 кг, сенаж 6 кг.

Аҳоли хонадонларида буқачаларни гўштга боқишда поллиз ва илдизмевали озуқалардан фойдаланиш яхши самара беради. Илдизмевалар таркибига сабзи, лавлаги, турп, шолғом ва поллиз экинларига ошқовоқ, қовун каби деҳқончилик маҳсулотлари киради.

Масалан, 2 кг пичан; 3 кг сомон; бу дағал озуқалар ошқозон ичак тракти патологияларни келтириб чиқармайди; 8 кг силос; 5 кг сабзи ёки лавлаги (қовоқ ёки қовун); 3 кг концентрат озуқалар ва минерал қўшимчаларнинг бир қисми бир хил даражада қолади.

Ёзда, имконият бўлса, буқаларни яйловда боқиш яхшироқдир. Бу тадбир гўшт етиштириш таннархини 2 бараварга камайтиради. Бироқ 3 кг пичан ва 40 г ош тузи билан қўшимча озиклантириш керак. Концентратлар бир хил миқдорда қолади. Яйловда боқиш вақти 6 соатдан ошмаслиги керак.

Агар олти ой ичида буқа 200 кг тирик вазнга етказилса, унда 10 ойда 300-380 кг вазнга эга бўлиши мумкин.

■ I БУҚАЛАРНИ 10 ОЙЛИҚДАН 16 ОЙЛИК ДАВРИГАЧА БОҚИШ

10 ойликдан 16 ойгача буқаларнинг ўсиш даври бошланади. Озиклантириш учун аввалги усуллардан фойдаланилади, аммо озуқа миқдори ортади. Агар бузоқ 380 кг вазнга эга бўлса, унда озиклантириш схемасига қараб, куйидаги рацион белгиланади:

- сенаж тури: 2 кг пичан, 10 кг сенаж, 2 кг концентрат, 50 г фосфат ва 40 г туз;

- силос-сенаж тури: 2 кг пичан, 14 кг силос, 5 кг сенаж, 2 кг концентрат; минерал қўшимчалар миқдори ўзгармайди;

- комбинацияланган усул: 3 кг пичан, 5 кг пичан, 10 кг силос; 6 кг илдизмевалар (полиз) экинлари; концентратлар, туз ва фосфатлар ўзгармайди.

Буқаларнинг иштаҳасини назорат қилиш лозим. Улар оч қолмасликлари керак. Озуқалар сифатсиз бўлса, харажат кўпаяди. Боқишнинг бу даврида буқачалардан 900-1000 г кунлик тирик вазн ўстиришга эришиш керак. Агар қорамол зоти тез етиладиган бўлса, 16 ойда буқаларнинг тирик вазни 500 кг ни ташкил этиши мумкин.



■ I БУҚАЛАРНИ БЎРДОҚИЛАШ

Бу ғўшт учун етиштириладиган ёш ҳайвонларни озиқлантиришнинг охирги босқичи. Бўрдоқилаш даври 3 ой давом этади. Бу вақт ичида буқа 30% вазн қўшади.

500 кг оғирликдаги буқа 750-780 кг тош босиши, юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонлар 800 кг вазнга эга бўлиши мумкин. Боқиш учун кўплаб схемалар қўлланилади: бардада, силосда, концентратда, кўк озуқада, сенажда. Уларнинг барчаси самарали. Қайси усул танланмасин, 3 ойдан ортиқ фойдаланиш тавсия этилмайди.

Агар фермер хўжалиги шароб ишлаб чиқарадиган корхона яқинида жойлашган бўлса, унда буғдой бардасидан фойдаланиш тавсия этилади. Озиқлантириш рациони куйидагича бўлади (ойлар бўйича):

1. 45 кг барда, 3 кг сомон, 2 кг пичан, 2,4 кг концентратлар, туз 30 г, сульфат 60г;
2. 30 кг барда, 3 кг сомон, 3 кг пичан, 3 кг концентрат, туз 40 г га етказилади, сульфат миқдори бир хил бўлади;
3. 15 кг барда, 1 кг пичан, 2 кг сомон, 4 кг концентратлар, туз 45 г.



Аҳоли хонадонлари учун энг арзон-пичан усулида боқиш. Рационда кўп миқдордаги концентрат озуқа, туз ва бўр мавжуд. Сувли ва ширали озуқа рационга киритилмайди. Пичан усулидаги рацион қуйидагича бўлади (ойлар бўйича):

1. 10 кг пичан, 3,2 кг концентратлар, 30 г туз, 10 г бўр;
2. 10 кг пичан, 4,2 кг концентрация, 30 г туз, 15 г бўр;
3. 8 кг пичан, 6 кг концентрация, 30 г бўр, 40 г туз.

Бўрдоқлаш даврида ёш буқалар тез вазн олишади. Оёқларга катта юк тушади. Юпқа суяк тузилиши билан ажралиб турадиган айрим қорамол жинсларида ёриклар пайдо бўлади. Ҳар қандай озиклантириш турида рационга минерал озуқалар ёки бўрни (мел) киритиш керак.

Агар бузоқ баҳорда ярим ёшда сотиб олинса, орадан бир йил ўтгач, уни боқилган буқа сифатида сўйиш мумкин.

■ I ОЗУҚА ҚЎШИМЧАЛАРИ

Дон озуқалар. Донли озуқалар – маккажўхори, оқ жўхори (сорго), арпа, сули, хашаки нўхат – бу озуқаларда юқори энергия, фосфор ва қанд миқдори кўп бўлади. Донли озуқалардан гўштга қорамолларни етиштиришда самарали фойдаланиш керак, чунки уларнинг нархи қиммат бўлади. Улар қорамолларга ёрма, ун ва гранулалар шаклида берилади, шунингдек, улардан атала тайёрланади. Донли озуқаларни қорамолларга бериш меъёрлари қуйидагича:

60-90 кунлик ёшида қунига 0,6 кг дан ортиқ эмас;

90-120 кунлик даврида ҳар куни 2 кг;

180 кунлик даврида ҳар куни 3,5 кг;

365 кунлик даврида ҳар куни 9 кг;

425 кунлик даврида ҳар куни 10 -14 кг.

Тавсия этилган схема гуштдор қорамол зотли буқалардан бир ёшга етганда 500 кг гача бўлган вазн олиш имконини беради.

Аҳоли хонадонларида буқаларни боқишда ярим ёшдан бошлаб, ошхона чиқиндиларини, дастлаб кичик миқдорда ва аста-секин уларни ошириб бориш мумкин. Бу фақат рационни бойитиш, тўлдириш имконини беради. Энг муҳими, бу ерда вазифани тўғри белгилаш ва уни амалга оширишга ҳаракат қилиш лозим.

Мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган **премикслар** ҳайвонларни озиқлантириш ва маҳсулдорликни оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Премикслар таркибига витаминлар, макро ва микроэлементлар, ўсишга таъсир қилувчи стимуляторлар киритилади, улар ҳайвон организмида зарур функцияларни бажаради. Бир ҳайвон учун 150 грамм миқдорида бериш тавсия этилади.



Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳайвонларда мунтазам премикслардан фойдаланиш буқаларни боқиш даврини 42 кунга камайтиради. Бундан ташқари, камроқ озуқа истеъмол қилинади. Агар одатдаги шароитларда буқа бир тонна аралаш озуқалар истеъмол қиладиган бўлса, бу ҳолда улар 800 кг га камаяди. Премикслар ёш ҳайвонларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган зарарли моддаларни ўз ичига олмайди ва гўштнинг сифатини оширади.

Пробиотиклар – фойдали микроорганизмлар буқаларнинг ўсиш тезлигини оширади. Уларнинг асосий вазифаси ҳайвон ошқозонидаги дағал озуқалар таркибидаги клетчаткани парчалаш ва унинг ҳазм бўлишини ошириш. Шунингдек, пробиотиклар минерал ва витамин қўшимчаларнинг сўрилиши, иммунитетни оширади, овқат ҳазм қилиш тизимининг яхши ишлашига ёрдам беради.



I ГЎШТ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Гўшт етиштиришда қуйидагиларга амал қилиш тавсия этилади:

- гўшtdор сигирдан бузоқ олинади, улар 6-8 ойгача сигирнинг ёнида боқилади, шунинг учун бундай сигирларнинг сут маҳсулдорлиги паст бўлиб, улардан сут олинмайди;

- гўшт чорвачилигида мол гўшти ишлаб чиқариш учун озуқа нархи сутга нисбатан тахминан 50% юқори. Бунинг сабаби шундаки, барча чорвамоллар (сигирлар, бузоқлар, буқалар) ишлаб чиқарувчилари томонидан озуқа харажатлари гўшт билан қопланади;

- сут ўрнини босувчи воситалардан фойдаланиш;

- ёш ҳайвонларнинг юқори ўсиш ва ривожланиш суръатларини таъминлаш;

- ошқозоннинг яхши ривожланишини таъминлаш;

- чорвачиликнинг юқори кўрсаткичларини таъминлаш;

- 1 кг вазн олишни оптималлаштириш.

Бузоқларни етиштиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: касалликлар тарқалишининг олдини олиш, соғлом бузоқларни танлаб олиш, қуруқ озукани эрта истеъмол қилиш, ошқозон бўлимлари эрта ривожланишини рағбатлантириш ва тирик вазн оширишни жадаллаштириш ва оптималлаштириш.

Республикамизда гўшт етиштиришда қуйидаги технологиялар қўлланилади:

а) Экстенсив технология – бу технология узоқ муддатли гўшт етиштириш цикли (2,5-3 йил), ҳайвонларнинг кунлик вазн ўстириши пастлиги (400 г ча), асосан, яйлов озукалардан фойдаланишни ўз ичига олади. Бу технология аҳоли хонадонларида амалга оширилади.

б) Ярим интенсив технология – ёш ҳайвонларнинг ўртача кунлик тирик вазн ўсиши 400-700 г бўлиб, 18-30 ойлик ёшида 400-450 кг массага етказилади. Ҳайвонларни озиклантиришда рацион асосини дағал (пичан, сомон, макка пояси ва ҳ.к.) ва ширали озуқалар (80% гача) ташкил қилади, боқишнинг охирги даврида концентрат озуқалар рационга қўшилади. Бу технология мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг тарқалган.

в) Интенсив (жадал) технология – бу технологияни қўллашдан мақсад қорамолларнинг кунлик тирик вазнини 700-1500 гга ошириш ва 15-18 ойлик ёшида 450-600 кг га етказиш, яъни, қисқа вақт ичида тула қийматли юқори энергетик озиклантириш рационидида боқиш. Бу технологияда озиклантириш рационини таркиби 5-10% дағал, 20-35% ширали ва 55-70% концентрат озуқалардан фойдаланилади ва гўшт ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширади.



Хонадон шароитида қорамолларни ўлчаш орқали тирик вазнини аниқлаш жадвали, кг

Құрақ айланасы, см	Тананинг қия ұзунлиги, см																185	190	195
	125	130	135	140	145	150	155	160	165	170	175	180	185	190	195				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16				
125	164																		
130	180	185																	
135	196	203	213																
140	216	223	231	241															
145	232	240	250	259	268														
150	247	256	266	277	286	296													
155	264	274	285	295	306	317	328												
160	282	290	301	313	324	334	347	356											
165		310	323	339	347	358	370	381	394										
170			342	355	368	380	396	404	417	431									
175				374	390	403	417	429	443	457	470								
180					414	428	443	452	471	486	500	515							
185						449	464	478	494	508	524	540	552						
190							492	506	522	538	555	572	585	602					
195								531	549	566	582	600	615	633	648				
200									580	597	614	634	649	667	684				
205										626	644	662	680	699	717				
210											678	699	716	736	754				
215												734	754	773	792				
220													782	804	825				
225														843	863				
230															905				

■ I ҚОРАМОЛЛАРНИ АСРАШ УСУЛЛАРИ

Қорамолларни асраш тасдиқланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши керак. Фақат ҳайвонларнинг соғлиғи эмас, балки маҳсулдорлик даражаси ҳам ҳаракатларнинг тўғрилигига боғлиқ. Муваффақиятли жадаллаштиришнинг асосий шarti биологик эҳтиёжларни ҳисобга олишдир. Замонавий чорвачиликда қорамолларни сақлашнинг иккита асосий тизими мавжуд: турғун ва яйлов. Ҳар бир технология марказида муайян техник қоидаларга риоя қилиш учун ўз жиҳатлари ва талаблари мавжуд.

Турғун тизимидан фойдаланиш катта шаҳар атрофидаги корхоналарга мос келади. Ҳайвонлар кенг тарқалган ерларда парваришланади. Ушбу тизим фермер хўжалигида чорванинг юқори концентрациясини ўз ичига олган тақдирда қўлланилади. Яшаш учун мақбул шарт-шароитларни ташкил этиш ҳайвонларни юриш учун кенгайтирилган жойлар билан таъминлашдан бошланади.

Технологик операциялар, хусусан, озиклантириш ва соғиш чекланган ҳудудларда амалга оширилади. Ҳайвонлар ўзларининг яшаш жойларини тарк этмайдилар, бу эса янги ўтларни истеъмол қилиш имкониятларини чеклайди.

Бу усулнинг салбий томони қорамоллар соғлиғи ва самарадорлигининг паст кўрсаткичидир. Бу ҳайвонларда ҳаракат фаолиятининг етишмаслиги ва бошқа чекловлар билан боғлиқ.

Турғун тизими фақат ем-хашак билан таъминланган фермада қўлланилади. Ўстирилган кўк ўтларни ўриш ва у билан молларни озиклантириш орқали юқори маҳсулдорлик даражасига эришилади.

Хайвонлар яйловлардан узоқда жойлашган махсус хоналарда сақланади. Озиқлантириш концентрланган озуқа ва қўшимчалар билан амалга оширилади. Ушбу технологиянинг афзаллиги мавсумий ва об-ҳаво шароитларининг барча афзалликларидан оқилона фойдаланишдир.

Яйлов тизими жуда кўп афзалликларга эга. Ундан фойдаланиш ҳар жиҳатдан самарали ҳисобланади. Фермерлар озуқа етиштириш учун маблағ сарфламайдилар, хайвонларни яйловлар шароитида кўк ўтлар билан озиқлантирадилар. Тоза ҳавода молларнинг доимий яшашлари уларнинг умумий саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади, соғлиқ ва самарадорликни оширади.

Чорва молларини сақлаш усуллари иккита асосий вариантни ўз ичига олади: боғланган ва боғлиқсиз ҳолда. Ҳар бир усул муайян ҳолларда мос келади, ўзига хос хусусиятлари бор.



Чорва молларини сақлашнинг энг кенг тарқалган усули бу — боғлиқ усул. Бу усулда улар мақбул шароитлар яратилган молхоналарда ўстирилади. Бундай молхоналар тўлиқ технологик жиҳозланган бўлади. Бу ҳайвонларнинг фаолиятини назорат қилиш жараёнини тўлиқ автоматлаштириш имконини беради.

■ ■ ҚОРАМОЛЛАРНИ САҚЛАШ ҚОИДАЛАРИ

Чорва молларини сақлашнинг тасдиқланган ветеринария қоидалари ҳайвонларнинг нормал ривожланиши учун мақбул шароитларни яратишга имкон беради. Улар ҳудудни, гўнган тозалаш тизимини, микроиклимни, соғлиқни сақлаш ҳолатини назорат қилиш, озиқлантириш, суғориш талабларини ўз ичига олади.

Тасдиқланган қоидаларга кўра, чорва молларини сақлаш жойи доимий девор билан ҳимояланган бўлиши



керак. Ҳар бир ҳудудда санитария пости ва дезинфекция тўсиғи ўрнатилади. Транспортда кириш ва чиқиш махсус белгиланган дарвозалар орқали амалга оширилади. Мажбурий равишда, назорат пункти ташкил этилади, бу эса бегона шахсларнинг жониворларнинг ҳудудига киришига тўсқинлик қилади.

Фермер ёки қишлоқ хўжалиги ерлари канализация тизими билан жиҳозланади. Бу нафақат чорвачилик чиқиндиларини йўқ қилиш, балки атмосфера ёғинларини ҳам йўқ қилиш имконини беради. Ҳайвонлар яшайдиган хоналар душ билан жиҳозланади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, гўнгни дезинфекция қилиш усулини таъминлаш тавсия этилади.

Молхоналарда муайян микроиклимни яратиш керак. Улар етарли ёруғлик ва шамоллатиш тизими билан жиҳозланган, қуруқ ва тоза бўлиши керак. Молхоналардаги оптимал ҳаво ҳарорати 10-12 °C ва ҳавонинг нисбий намлиги 75-80% даношмаслиги керак. Ҳарорат кўрсаткичи кузатилиши ва унинг ўзгаришига йўл қўймаслик лозим. Паст ва жуда юқори ҳароратда ҳайвонлар стрессни бошдан кечиради, бу уларнинг умумий саломатлигига ва маҳсулдорлигига салбий таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дунин И. М. Замонавий шароитда гўшт чорвачилигини ривожлантириш истиқболлари / / Сут ва гўшт чорвачилиги. 2014. — №5. 6. 2-5.
2. Тихомирова Г. Мол гўшти ишлаб чиқаришни кўпайтириш манбалари / / тр. ВНИИОК. Т. 3. Ставропол, 2014.
3. Туркия Республикаси Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда “Денизбанк” ҳамкорлигида тайёрланган “100 та китобдан” иборат тўпلام.
4. Горлов И. Ф. Мол гўшти ишлаб чиқаришни кучайтириш. Волгоград, 2007. 6. 365.
5. Левахин В. И. Гўшт чорвачилиги технологияси // Сут ва гўшт чорвачилиги : Махсус нашр. — 2011.
6. Легошин Г. П, Шарафеева Т. Г. Замонавий озиқ-овқат маҳсулотларида ёш қорамолларни боқиш.
7. Озиқлантириш технологиясини такомиллаштириш асосида сут ва гўшт чорвачилиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш. 2017. №1. П. 70-77.
8. Ёш қорамолларни етиштириш ва боқиш технологияси / В. Кокорев ва бошқ., 2007.

Қорамоғларни бўрдоқилаш [Матн]: илмий нашр / «Ағробанк»
АТБ.-Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 48 б.

ISBN 978-9943-7173-2-9

УЎК 636.2
КБК 45.4

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташилотчиси
"Ағробанк" АТБ

100 китоб тўплами

ҚОРАМОЛЛАРНИ БЎРДОҚИЛАШ

76-китоб

Нашриёт уйи "Тасвир"
Тошкент – 2021

Таржимонлар:

Тошкент давлат шарқшунослик университети
"Таржима ва тил маркази" таржимонлар гуруҳи

Муҳаррир-мусахҳиҳ:

М. Мўминова

Компьютерда тайёрловчилар:

К.Б. Бахриддинов, Б.Т. Нишонбоев

Дизайнер:

Ш.М. Одилов

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишга 16.04.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 830 нусха. Буюртма рақами: 1112

"Colorpack" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1А.